

Ўзбекистон Республикаси номидан

Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

2021 йил январь ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг биносида 6-тик суд мажлисида М.Очилованинг раислигида, М.Сиддиқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Касби туман прокурорининг ёрда С.Жумакулов, химоячи - адвокат Х.Абдуллаев, жабрланувчи [REDACTED]нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчи [REDACTED]га оид 1-1807-2001/71-сонли жиноят иши судда кўриб чиқилди.

[REDACTED] – 1983 йил 16 май куни Навоий вилояти Навоий туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, мукаддам судланмаган, оилали 3 нафар фарзанди бор, Навоий вилояти Кармана тумани “ [REDACTED] ” МЧЖда ҳайдовчи, Навоий вилояти Кармана тумани “ [REDACTED] ” МФЙ “ [REDACTED] ” кўчаси 17-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 10 декабрь куни олган,

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи [REDACTED] 2020 йил 18 октябрь куни соат 01<sup>30</sup>ларда бошқарувида бўлган “Матиз” русумли [REDACTED] ТТС давлат рақам белгили автомашинаси билан Қарши туманидан Касби тумани томон ҳаракатланиб келиб, “4-Р90” рақамли Қарши-Бешкент-Касби-Косон автомобиль йўлининг Денов қишлоғи худудидан ўтган 27-кмга келганида автомашина бошқарувини йўқотиб, асфальт йўлнинг ўнг томон четига ағдарилиб, йўл-транспорт ҳодисасини содир қилиши оқибатида “ [REDACTED] ” русумли [REDACTED] ТТС давлат рақам белгили автомашина саломида бўлган йўловчи [REDACTED]нинг ўртача оғир тан жароҳати олишига ва автомашинага 7.756.720 сўм миқдорида моддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Судланувчи [REDACTED] ушбу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, 2020 йил январь ойидан “Ўғилой Кармана Транс” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлаб келишини. 2020 йил 10 январдаги меҳнат шартномасига асосан “ [REDACTED] ” МЧЖга тегишли [REDACTED] ТТС давлат рақамли “Матиз” русумли автомашинани йўлланма асосида бошқариб келишини, 2020 йил 17 октябрь куни соат 20<sup>00</sup>ларда Навоий шаҳридаги “Тўққиз” озиқ-овқат бозори ёнидаги бекатидан [REDACTED] ва



██████████ларни йўловчи сифатида миндириб, уларни Касби тумани “Денов” кишлоғига олиб келиш учун йўлга чиққанлигини, автомашинани олд ўриндиғида ██████████, орқа ўриндиғида ██████████ (Upgrade to Pro Version 2020 Remove the Watermark) бўлганлигини, 2020 йил 18 октябрь куни соат 01<sup>30</sup>ларда автомашинани бошқариб, Қарши-Бешкент-Касби автомобиль йўлининг “Денов” кишлоғи худудида ██████████ тезлик билан ҳайдаб келаётганида автомашинани филдирагининг х ██████████ қилиб кетганлиги сабабли автомашинани бошқарувини йўқотиб, торм ██████████ қосганлигини ва автомашинани чап томонга бурганлигини, бошқарувидаги автомашинани асфальт устида ўнг ён томони билан бир марта ағдарилиб, яна ўз холига қайтиб, асфальт йўл устида кўндаланг ҳолатда чап томонга бурилиб қолганлигини, автомашинида бўлган ██████████ оёғи оғриганлигини айтиб бақирганлигини, уни ўнг оёғи жароҳат олганлигини кўриб, йўловчи автомашинанига ўтқазиб, Қарши тумани тиббиёт бирлашмасига олиб борганлигини, шифохонада унга тиббий ёрдам кўрсатилганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, ҳайдовчилик қилиб, оиласини боқишини, ██████████нинг дастлабки даволанишида моддий томондан ёрдам берганлигини, келгусида ҳам қиракашлик қилиб, унга етказилган зарарларни қоплаб беришини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи ██████████ судда 2020 йил июнь ойидан буён укаси ██████████ билан бирга Касби туманидаги иссиқхоналарга иситиш мосламаларини пайвандлаш ишлари билан шуғулланишлиги сабабли 2020 йил 17 октябрь куни соат 21<sup>30</sup>ларда укаси ██████████ билан бирга Навоий шаҳридан Касби туманига бориш учун ██████████нинг бошқарувида бўлган “Матиз” русумли ██████████ давлат рақамли автомашинанига ўтиришганлигини, ҳайдовчи ██████████ йўл қира ҳақи 350.000 сўм эвазига Касби туманига элтиб қўйишга рози бўлганлигини, шу куни соат 22<sup>30</sup>ларда йўлга чиқишганлигини, ██████████нинг бошқарувидаги автомашинани орқа ўриндиғида ўзи, укаси ██████████ олд ўриндиғида ўтирганлигини, автомашинанида ухлаб кетаётганида бақирган овоздан чўчиб уйғонганида ██████████нинг бошқарувидаги автомашинани асфальт йўлда юмалаётганлигини билганлигини, бироз ҳушини йўқотиб, ўзига келганида шифохонада бўлганлигини, олган тан жароҳати сабабли моддий зарар кўрганлигини, соғлиғи сабабли бир неча ойдан буён ишсиз қолганлигини, у билан ярашмаслигини, ██████████ томонидан даволаниши учун сарфлаган харажатлари қопланмаганлиги сабабли унинг зиммасидан 10.144.932 сўм моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар ██████████ судга ариза билан мурожаат қилиб, “██████████” МЧЖ ижрочи директори лавозимида ишлаб келишини, ██████████га оид ишни ўзининг иштирокисиз кўрилишига рози эканлигини, “██████████” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлаб

Хужжат имзоланган: Очилова Махфират Улашевна, 18.01.2021



келаётган [REDACTED] томонидан автоавария оқибатида [REDACTED] давлат рақамли “Матиз” русумли автомашинага етказилган 7.756.720 сўм моддий зарарни ундиришдан ихтиерий воз кечишлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Гувоҳ [REDACTED] судда 2020 йил 17 октябрь куни акаси [REDACTED] билан Навоий [REDACTED] Касби туманига бориш мақсадида соат 21<sup>30</sup> ларда [REDACTED] бошқарувида бўлган “Матиз” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашинада кетишаётганларида яъни соат 2<sup>30</sup> ларда автомашинада ухлаб қолганлигини, уйғонганида ҳайдовчи [REDACTED] нинг автомашина бошқарув қисмида ухлаб қолганлигини кўрганлигини, [REDACTED] тезда уйғониб, автомашинани бошқарувини йўқотиб, ўнг томонга буриб юбориши оқибатида автомашина чап ён қисми билан ағдарилиб, яна ўз ҳолига қайтиб. йўлнинг устида кўндаланг ҳолатда туриб қолганлигини, акаси [REDACTED] ни автомашинадан чиқариб олганлигини, ҳайдовчи [REDACTED] га автомашинадан чиқишига ёрдам берганлигини, акаси [REDACTED] ва ҳайдовчи [REDACTED] ларни йўловчи автомашинада шифохонага олиб борганлигини, автоавария содир бўлганида тан жароҳати олмаганлиги сабабли судланувчи [REDACTED] га нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Гувоҳ [REDACTED] судда Касби туман ИИБ ТБ суриштирувчиси лавозимида ишлаб келишини, [REDACTED] га оид ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан бўлган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини Жиноят-процессуал қонуни талабларига мувофиқ олиб борганлигини, автоавария ҳолати бўйича воқеа жойи кўздан кечирилиб, баённома тузилганлигини, автоавария содир бўлиши оқибатида [REDACTED] ўртача оғирликдаги тан жароҳати олганлигини, [REDACTED] бошқарувида бўлган “Матиз” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашина бошқарувини йўқотиши оқибатида автоавария содир бўлганлигини, автотехника экспертизасининг хулосасига биноан автоавария содир бўлишида “Матиз” русумли 85 280 ТТС давлат рақамли автомашина ҳайдовчисининг “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди талабларига риоя қилмаганлиги сабаб бўлганлигини, экспертиза жараёнида “Матиз” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашина олд чап ғилдираги ёрилмаганлиги аниқланганлигини баён қилди.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] нинг айби, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳнинг кўрсатувларидан ташқари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотосуратлар, маълумотномалар, тушунтириш хатлари ва судда аниқланган далиллар билан ўз исботини топди.

Жабрланувчи [REDACTED] судда автоавария содир бўлиши оқибатида шифохонада даволанганлиги ва бир неча ойдан буён ишсизлиги оқибатида маънавий азият чекканлигини, оқибатда 10.144.932 сўм моддий ва маънавий зарар кўрганлиги сабабли ушбу зарарни ундириб беришни талаб қилса-да, суд, унинг шифохонада даволанганлигини ва дори-дармонлар учун сарфланган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни



хамда автоавария сабабли соғлиғи тиклангунга қадар ишсизлик ҳисобига маънавий азият чекканлигини инобатга олиб, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Дастлаб (Прогресс Рор Вашигтон Вендан the Удганувчи) [REDACTED] нинг транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида [REDACTED] га [REDACTED] а оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлганликдаги жиноий ҳаракатларидан [REDACTED] дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилиниши деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] га жазо тайинлашда айбига иқроп ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, жабрланувчи [REDACTED] нинг моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъвоси борлигини, [REDACTED] нинг шахсини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, оиласини ҳайдовчилик фаолияти билан шуғулланиб келиши ҳисобида моддий жиҳатдан таъминлаб келишини инобатга олиб, ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан жазо тайинлашда ЖК 45-моддасини қўлламаган ҳолда қонун санкциясида назарда тутилган меъёрда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони ички ишлар органлари белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатиришни, жазо ижросини назорат қилишни Навоий вилояти [REDACTED] туман ички ишлар бўлими зиммасига юклашни, қўлланилган муносиб-хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд, зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи [REDACTED] зиммасидан жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 633.000 сўм моддий ва 5000.000 сўм маънавий зарарни ундиришни, фуқаровий даъвогар [REDACTED] нинг даъвоси йўқлигини қайд қилишни, ашёвий далил бир дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Бундан ташқари, суд жабрланувчига келгусида моддий ва маънавий зарар масаласида тегишли ҳужжатлар тўплаб, фуқаролик тартибида муурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд,

#### **Х у к м қ и л д и:**

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолгани ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ички ишлар органлари белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилсин.



Жазо муддати ойлик иш ҳақидан чегириб қолинган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Навоий вилояти [REDACTED] тумани ИИБ зиммасига топқатилинсин.

Қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] PDF асидан жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 633.000 сўм маънавий зарар ва 5000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED]нинг даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил бир дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Жабрланувчига келгусида моддий ва маънавий зарар масаласида тегишли ҳужжатлар тўплаб, фуқаролик тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан, 10 сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

М.Очилова

